



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик
жамиятининг ривожланиш бўйича 2023 йил
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

ТОШКЕНТ

2022 йил



МУНДАРИЖА

1.	ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	3
1.1.	2022–2023 ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР	6
1.2.	ТЕХНИК СИЁСАТ	7
1.3.	ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР	10
1.4.	МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ПОДСТАНЦИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ (10 ЙИЛЛИК) ДАСТУРИ	11
2.	БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	13
2.1.	ЖАМИЯТНИНГ АКТИВЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР	14
2.2.	ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ	14
3.	ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ	15
4.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЙМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИННИГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ	17
4.1.	МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ	21
5.	МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ	22
6.	ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ (ЭКСПОРТ-ИМПОРТ)	23
7.	ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ РЕЖАСИ	25
8.	КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ	29
9.	ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ	33
10.	ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ	34
11.	ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИКЛАР	34
12.	САРФ ҲАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ	35
13.	СОФ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ	36
14.	САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	37




1. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ, Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сон қарорига асосан тутатилган “Ўзэлектртармоқ” УК ва “Ўзбекэнерго” АЖ нинг “Энергосотиш” филиали негизида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, электр энергиясини Республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш “Ўзбекистон МЭТ” АЖ нинг асосий фаолият турлари хисобланади.

Бугунги кунда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ таркибида жами **20 та** ташкилот (таркибий бўлинмалар) мавжуд, жумладан **14 та** худудий магистрал электр тармоқлари, энергетика тизими бўйича фаолият юритадиган “Energo IT” филиали, “Магистралтармоққурилиш” филиали, “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ, “Энергомахсусавто” МЧЖ, “Gridcon” МЧЖлар, лойиҳалаш, қурилиш ва бошқа хизматлар шулар жумласидандир.

Жамиятга қарашли **84 та** нимстанция, **11 698 километрдан** ортиқ **110-500 кВли** магистрал ҳаво электр узатиш линиялари ва **161 та** махсус автотранспорт воситалари мавжуд.



Электр узатиш ҳаво тармоғининг узунлиги, кучланиши бўйича

Подстанциялар қуввати, кучланиши бўйича

Жамият фаолиятининг мақсадлари:

- республиканинг магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;
- электр энергиясини республиканинг магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;
- электр энергиясини экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш;
- электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, магистраль ва худудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик бошқариш;




“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

- электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергиясини худудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш;

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг алоқа маълумотлари: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй, факс (+998 71) 208-56-01, e-mail: info@uzbekistonmet.uz.

Жамиятнинг Тошкент харитасидаги жойлашуви ва биносининг ташқи кўриниши





“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси


Ижро этувчи аппарат ва янги таҳрирдаги ташкилий тузилма “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг 2022 йил 21 сентябрдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган.

Бошқарув аппарати таркиби **246 штат** бирлигидан иборат. Ишчилар сони **4 400 нафар**.



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

Жамиятнинг бошқарув аппарати таркибий түзилмаси



“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти тузилмаси

Бет 6



1.1. 2022–2023 ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ электр энергиясини ягона харид қилувчи сифатида давлат хусусий шериклиги тамойили асосида лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Хозирги кунга келиб, хусусий шериклик тамойили асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда 2023-2026 йилларда жами 17 та лойиҳа доирасида электр энергиясини сотиб олиш битимлари имзоланган. Жумладан, 2026 йилга қадар 3 797 МВт қуёш, шамол ҳамда 4630 МВт иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган.

Бугунги кунгача умумий қуввати 200 МВт бўлган 2 та қуёш ва умумий қуввати 1 054 МВт бўлган 4 та иссиқлик электр станциялари ишга туширилган. 2022 йил 1 ноябрга қадар ушбу станцияларда жами 4 423,9 млн.кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, тармоққа узатилган. Жорий йил якунигача Сирдарё вилоятида умумий қуввати 220 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси ишга туширилади.

Шунингдек, 2023 йилда 1097 МВт қуёш, 1500 МВт шамол ва 1 500 МВт иссиқлик электр станциялар, 2024 йилда эса 100 МВт шамол ҳамда 3 160 МВт иссиқлик электр станциялари ишга туширилади. Ҳозирда яна 6 та ФЭС бўйича тендер савдоларига тайёргарлик давом этмоқда, RFQ (тижорий таклифлар учун сўровнома) босқичи тугалланган.

Хусусий шериклик тамойили асосида 18 та битимларнинг 13 тасига 187,4 млн.доллар, 37,0 млн.евро Жамият томонидан аккредетив ва банк кафолатларини бериш кўзда тутилган. Шундан 5 та лойиҳага 38,9 млн.доллар, 2,5 млн.евро аккредетив очилган. 2022 йилда яна 2 та лойиҳага 18,8 млн.доллар, 2023 йилда 5 та лойиҳага 129,7 млн.доллар ҳамда 2024 йилда 1 та лойиҳа доирасида 34,5 млн.евро миқдорида Жамият томонидан аккредетив ва банк кафолатларини бериш мажбурияти олинган.

2026 йилга қадар Жамият томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади: 18 та битимларнинг 5 тасида станцияларни ягона энергетика тизимига улаш учун 82 км 220 кВли 178,25 км 500 кВли ҲЭУТ қурилиши бўйича жамиятнинг мажбуриятлари мавжуд. Жумладан, 2022 йилда 3 та лойиҳа доирасида 14,25 км 500 кВли 9,5 км 220 кВли 2023 йилда 1 та лойиҳа доирасида 10 км 220 кВли 2024 йилда 2 та лойиҳа доирасида 164,0 км 500 кВли 62,5 км 220 кВли ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш режалаштирилган.

2026 йилга қадар Инвестор томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади: 18 та битимларнинг 5 тасида станцияларни ягона энергетика тизимига улаш учун 2x138,5 км 220 кВли 291,0 км 500 кВли ҲЭУТ, 5 та 220 кВли, 2 та 500 кВли подстанциялар қурилади.

“MRC Group” (Испания) компаниясининг консультантлари иштирокида ишлаб чиқилган “Магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция килиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялашнинг узоқ муддатли (10 йиллик) дастури” лойиҳасига асосан 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий қувватлари 12 ГВтни ташкил этилишини ҳамда ушбу қувватни тизимга



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси интеграциялашни ҳисобга олган ҳолда, умумий узунлиги 4 275,6 км узунликдаги 500 кВли 3 515,8 км узунликдаги 220 кВли ҳаво электр узатиш тармоқларини ҳамда 17 та 500 кВли 30 та 220 кВли подстанцияларни қуриш талаб этилади.

1.2. ТЕХНИК СИЁСАТ

Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Конун талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган “**Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш Қоидалари**”га мувофиқ:

ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рафбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётiga кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширимоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019 йил 4 октябрдаги 4477-сон** ҳамда **2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон** қарорларига мувофиқ “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ тасаруфига бўлган электр тармоқларида ва қурилмаларида энергосамарадорликни ошириш ва энергия ресурсларни тежаш мақсадида “Техник сиёсат” олиб борилмоқда.

Юқори кучланишли электр тармоқларида ва қурилмаларида энергосамарадорликни ошириш ва энергия ресурсларни тежаш мақсадида 2023 йилда қўйдаги ишларни амалга ошириш белгилаб олинган:

Магистрал электр тармоқ подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш (Фаза-II) лойиҳаси доирасида энергия тизими барқарорлигини ошириш мақсадида **магистрал электр тармоқлари конфигурациясини такомиллаштириш ва модернизациялаш;**

ташкилий - техник тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан электр тармоқлари режимларини мақбуллаштириш, реактив қувватни компенсация қилиш ва (Фаза-II лойиҳаси доирасида) магистрал электр тармоқларини ривожлантириш;

энергетика тизимини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштирилган корпоратив ахборот тизимини **тегишли лойиҳалар доирасида (ERP)** ҳамда диспетчерлик назорати ва маълумотлар йигиш тизимини (**SCADA**) жорий этиш;

энергия менежменти (**ISO 50001 ҳалқаро стандарти**)ни жорий этиш;

тегишли лойиҳалар доирасида электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини (**ЭҲНАТ**) тўлиқ ўтиш орқали амалга ошириш белгилаб олинган.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жамиятда электр энергияси ички истеъмолини 2025 йилгача **бир ярим баробарга камайтиришга** эришиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Бунга кўра 2022 йилда магистрал электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатишдаги технологик сарфларни камайтириш мақсадида юқори кучланишли



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси нимстанцияларда олиб борилган ташкилий-техник тадбирлар натижасида 22,5 млн.кВт*соат электр энергияси тежалишига эришилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида энергия самарадорликни таъминлаш мақсадида 2022 йил 1 август ҳолатига 7 та (йиллик режага нисбатан 100 фоиз) куч трансформаторлари, 59 та (83,1 фоиз режа 71 та) 110-500 кВли ўчиргичлар, 15 та (83,3 фоиз режа 18 та) компрессор курилмалари ва 849,5 км (70,4 фоиз режа 1 206,15 км) узунлиқдаги 110-500 кВ ҳаво линияларида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, 2022 йилда жорий таъмирлаш режасига асосан подстанциялардаги 214 дона куч трансформаторлари, 1 062 дона ўчиргичлар, 31 дона ҳаво компрессорлари ҳамда 3 719,7 км узунлиқдаги ҳаво электр тармоқларида мукаммал ва жорий тамирлаш ишларини тегишли чора-тадбирларга мувофиқ амалга ошириш режалаштирилган.

Республиканинг иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бизнес субъектлари ҳамда аҳолининг электр энергиясига ортиб бораётган талабини тўлиқ қоплаш мақсадида, 2022 йил бошидан модернизация дастури доирасида (энергия самарадор) 9 та подстанцияда қўшимча жами 906 МВА қувват ишга туширилди.

Жумладан, Қарақалпогистон Республикасида (“Беруний” ПС – 125 МВА), Бухоро вилоятида (“Қўйимозор” ПС – 2 дона, 63 МВА), Фарғона вилоятида (“Ўзгариш” ПС – 50 МВА), Қашқадарё вилоятида (“Амир Темур” ПС – 125 МВА), Тошкент вилоятида (“Чирчик” ПС – 2 дона, 150 МВА), Навоий вилоятида (“Горная” ПС – 43 МВА, “Химия” ПС – 200 МВА), Самарқанд вилоятида (“Каттақўрғон” ПС – 75 МВА), Хоразм вилоятида (“Хоразм” ПС – 75 МВА).

Магистрал электр тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш дастурига асосан маънан ва жисмонан эскирган **40 дона 110-500 кВ** қучланишли ўчиргичлар замонавий элегаз ўчиргичларга, **221 дона ток трансформаторлари, 16 дона ажратгичлар** ва **6-500 кВ** қучланишдаги **249 дона ўта кучланишни чекловчи қурилмалар алмаштирилди**.

2021/2022 йилларда куз-қиши мавсумида фавқулодда ҳолат юзага келганда фойдаланиш мақсадида ҳамда энергия самарадор қурилмалардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида, 156 тонна трансформатор мойи, 0,7 тонна техник пластиналар, 1 тонна селикогель, 15 тонна турли русумли симлар, 9,8 км кабель маҳсулотлари, 74 дона металл таянчлар, 26 дона темирбетон таянчлар, 17 дона турли қувватдаги захира куч трансформаторлари захираси яратилди.

Жамиятнинг хўжалик истеъмолини камайтириш мақсадида 2022 йилда Жамият биносида ёритиш чироқларидан самарали фойдаланиш мақсадида (*датчик движения*) автоматик ёқиши - ўчириш приборлари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги ПФ-220-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек Жамиятнинг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида “SOLAR NATURE” МСНJ билан жойларда жами 500 кВт қуёш панелларини ўрнатиш бўйича шартнома имзоланди.

Имзоланган шартномаларга мувофиқ, Жамият тасаруффида бўлган МЭТ филиалларининг 8 та маъмурий биноларида қуёш панеллари ўрнатилди.



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

2022 йилда магистрал электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатишдаги технологик йўқотишлири **2 070,5** млн.кВт*соат ташкил этиб, қабул қилинган энергияга нисбатан эса **2,62 фоизни** ташкил этди.

2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланган ҳолда Жамият тасаруффидаги биноларида ўртача **120 кВт қуёш панеллари ўрнатиша режалаштирилган**.

Бу йўл орқали 2023 йилгача Жамиятнинг хўжалик истеъмолини 30-40 фоиз улушкини қайта тикланувчи энергия манбалари орқали таъминлашига эришиш режалаштирилган.

Магистрал электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатишдаги технологик сарфлар кўрсатгичи

*млн.кВт*соат*

Т/р	Йиллар	Электр тармоқларига жами қабул қилинган электр энергия	Технологик йўқотиши	Фоиз
1	2020 йил	64 337,8	1 615,4	2,51
2	2022 йил	79 217,6	2 075,5	2,62
3	2023 йил (режа)	87 003,5	2 125,6	2,44

2023 йилда ишлаб чиқариладиган магистрал электр тармоқларига электр энергиясини микдори ошиши натижасида магистрал электр тармоқларига электр энергиясини қабули 2022 йилга нисбатан **7 785,5** млн.кВт*соатга ортиши кутилмоқда.

Бу ҳолат ўз навбатида тармоқлардаги технологик йўқотишиларни ортишига олиб келади. Магистрал электр тармоқлардаги технологик сарфларни улушкини олдинги йилдан ошмаслиги ва 0,01 фоизга камайтириш учун қуийдаги тадбирлар амалга оширилиши “Техник сиёсат” да белгилаб олинган:

1. Подстанцияларда ўз истеъмолини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш;
2. Ўлчов мажмуасидаги электр ускуналарини даврий кўригидан муентазам равишида ўтказиб туриш;
3. Қайта тикланувчи энергия манбаларини (қуёш панелларини ўрнатиш) жорий этиш.
4. Электр энергияси оқимларини назорат қилиш ва инсон омилини камайтириш мақсадида (АСКУЭ) Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ ишга тушириш;
5. Кўшни давлатларга яқин бўлган вилоятларга электр энергиясини узатиш масофасини қисқартириш орқали яъни оптimal таъминотни яратиш натижасида технологик сарфларни камайтиришга эришиш;
6. Реактив қувватлар оқимларини таҳлил қилиб бориш ва белгиланган меъёрдан ортиб кетиш ҳолларда тегишли чоралар кўриш. Илмий таҳлиларга асосан подстанцияларда реактив қувват манбаларини ўрнатиш ишларини ташкил этиш;



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

7. Юқори кучланишли электр тармоқларида электр энергиясини узатиш ва эскирган ҳамда ишдан чиқкан электр технологияларни замонавий энергия тежамкор ускуналар билан алмаштириш белгилаб олинган.

Жамиятнинг хўжалик объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш мақсадида белгиланган тартибда қуёш панеллари ва қуёш сув иситиш қурилмаларини харид қилиш.

2023-2024 йилларда мавжуд ЭЭҲНАТ янада такомиллаштирилган ҳолда юқори поғонага олиб чиқиши яъни барча тармоқлардаги энергия оқими назоратини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан олиб боришни ташкил этиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш Қоидалари»га асосан “Ўзэнергоинспекция”си энергоаудиторлар томонидан тузилган энергетика текширувларни ўтказиш дастурлари 13 та корхона бўйича тасдиқлади.

1.3. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАР

т/р	ДХШ лойихалари	Лойиха куввати, МВт	Ишга тушиш муддати
1	Сирдарё вилоятида ИЭС қуриш, ACWA Power (С. Арабистони)	1 470	2023 йил март
2	Сурхондарё вилоятида ИЭС қуриш, Stone City Enegry (Нидерландия)	1 560	2024 йил декабрь
3	Сирдарё вилоятида ИЭС қуриш, EDF-Nebras-Sojitz (Франция, Қатар, Япония)	1 600	2024 йил июнь
Жами ИЭСлари		4 630	
4	Навоий вилоятида ФЭС қуриш, Phanes group (БАА)	200	2023 йил январь
5	Сурхондарё вилоятида ФЭС қуриш, Masdar Energy (БАА)	457	2023 йил март
6	Самарқанд вилоятида ФЭС қуриш, Masdar Energy (БАА)	220	2023 йил март
7	Жizzах вилоятида ФЭС қуриш, Masdar Energy (БАА)	220	2023 йил март
8	Бухоро вилоятида ШЭС қуриш, ACWA Power (С. Арабистони)	500	2023 йил сентябрь



9	Бухоро вилоятида ШЭС қуриш, ACWA Power (С. Арабистони)	500	2023 йил сентябрь
10	Навоий вилоятида ШЭС қуриш, Masdar energy (БАА)	500	2023 йил сентябрь
11	Қорақалпоғистон Республикасида ШЭС қуриш, ACWA Power (С. Арабистони)	100	2024 йил март
12	Қашқадарё вилоятида ФЭС қуриш, ОТБ билан тендер	300	2025 йил январь
13	Фарғона вилоятида ФЭС қуриш, ОТБ билан тендер	100	2025 йил январь
14	Бухоро вилоятида ФЭС қуриш, ХМК билан тендер	250	2025 йил январь
15	Наманган вилоятида ФЭС қуриш, ХМК билан тендер	150	2025 йил январь
16	Хоразм вилоятида ФЭС қуриш, ОТБ билан тендер	100	2025 йил январь
17	Қорақалпоғистон Республикасида ШЭС қуриш, ЕТТБ билан тендер	200	2025 йил январь
Жами Шамол ва Қуёш станциялари		3 797	
Жами ИЭС, ШЭС ва ФЭС		8 427	

**1.4. МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ПОДСТАНЦИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ
(10 ЙИЛЛИК) ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг **75-моддасига** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 18-19 март қунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берилган топшириқлари бўйича “Тошкент вилоятини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириши ва мавжуд муаммоларни ҳал этиши юзасидан амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида”ги **15-сонли баённинг 99-банди 2-хатбошида** “**Магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиши, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириши ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялашнинг узоқ муддатли (10 йиллик) дастури**”ни ишлаб чиқиши “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖга юклатилган.

Мазкур лойиха доирасида “**MRC Group**” (Испания) компаниясининг консультантлари “**Тармоқ ўтказувчанлиги қобилиятининг дастлабки таҳлили**” ҳисоботини ҳозирги кунда



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

тўпланган маълумотлар асосида “қайта тикланувчи энергия манбаларининг ягона энергетика тизимининг мавжуд ҳолати бўйича уланганда уларнинг тизимга таъсири” юзасидан ҳисоботини қайта кўриб чиқиб, ягона энергетика тизимига **1,2 ГВт** қўёш, **0,9 ГВт** шамол электростанцияларини улаш имконияти мавжудлиги тўғрисида дастлабки хулоса хатини киритган (*Хулоса хати илова қилинади*).

Маълумот учун: **2026 йилга** қадар давлат хусусий-шериклик тамойили асосида умумий қуввати **10 221 МВт** бўлган қуёши (**2 197 МВт 11 та лойиха**), шамол (**1 800 МВт 5 та лойиха**) ва иссиқлик (**6224 МВт 9 та лойиха**) электр станциялари ишга туширилиб, ягона энергетика тизимига уланиши режалаштирилган.

2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий қувватлари **12 ГВтни** ташкил этилишини ҳамда ушбу қувватни тизимга интеграциялашни ҳисобга олган ҳолда, умумий узунлиги **4 275,6 км** узунликдаги **500 кВли 3 515,8 км** узунликдаги **220 кВли** ҳаво электр узатиш тармоқларини ҳамда **17 та 500 кВли 30 та 220 кВли** подстанцияларни қуриш талаб этилади. Жумладан:

2026 йилга қадар кўзда тутилган лойихалар доирасида жами **1 432,3 км** узунликдаги **500 кВли 2 593,6 км** узунликдаги **220 кВли** ҳаво электр узатиш тармоқларини ҳамда умумий қуввати **9 414 МВА** бўлган **7 та 500 кВли 8 400 МВА** бўлган **21 та 220 кВли** подстанцияларни қуриш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ўзгарувчан қувватларини ростлашга мўлжалланган **1252 МВтли** тез ишга туширилувчи генерация манбаларини, кечки тифиз соатлардаги истеъмолни қоплаш учун умумий қуввати **3 000 МВт** (*2030 йилга қадар*) бўлган энергияни сақловчи қурилмаларни ишга киритишга қаратилган йирик инвестиция лойихаларини амалга ошириш талаб этилади. **2027-2030 йилларда** **25 та лойиха** доирасида **2843,3 км 500 кВли** ҳаво электр узатиш тармоқлари, **6 та 500/35 кВли, 4 та 500/220/110 кВли** подстанциялар ҳамда **15 та лойиха** доирасида **922,18 км 220 кВли** ҳаво электр узатиш тармоқлари, **4 та 220/35 кВли, 5 та 220/110 кВли** подстанцияларни қуриш, модернизация дастури доирасида **23 та** подстанцияда трансформаторлар қувватининг оширилиши лозим.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, дастур доирасида **2030 йилга** қадар кўзда тутилган электр узатиш тармоғи ва подстанциялар қурилиши мақсадлари учун жами **5 501,8 млн.доллар**, жумладан, электр узатиш тармоғи қурилиши учун **4 967,6 млн.доллар**, подстанциялар қурилиши учун **414,2 млн.доллар** ва конденсаторларни ўрнатиш учун **120,0 млн доллар** миқдорида маблағ талаб этилади. Шундан:

- **2021 ва 2022 йилларда 233,6 млн доллар** (электр узатииши тармоғи – **227,2 млн долл.**, подстанция – **6,4 млн долл.**);
- **2023 йилда 930,4 млн доллар** (электр узатииши тармоғи – **893,9 млн долл.**, подстанция – **36,5 млн долл.**);
- **2024 йилда 965,3 млн доллар** (электр узатииши тармоғи – **897,9 млн долл.**, подстанция – **67,4 млн долл.**);
- **2025 йилда 510,6 млн доллар** (электр узатииши тармоғи – **429,6 млн долл.**, подстанция – **81,0 млн долл.**);
- **2026 йилда 1 166,3 млн доллар** (электр узатииши тармоғи – **1 134,3 млн долл.**, подстанция – **32,0 млн долл.**);
- **2027 йилда 805,1 млн доллар** (электр узатииши тармоғи – **690,1 млн долл.**, подстанция – **55,0 млн долл.**, конденсатор – **60,0 млн долл.**);
- **2028 йилда 403,9 млн доллар** (электр узатииши тармоғи – **338,0 млн долл.**, подстанция – **35,9 млн долл.**, конденсатор – **30,0 млн долл.**);



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

- **2029 йилда 158,2 млн доллар** (электр узатии тармоғи – **87,2 млн долл.**, подстанция – **41,0 млн долл.**, конденсатор – **30,0 млн долл.**);
- **2030 йилда 328,4** млн доллар (электр узатии тармоғи – **269,4 млн долл.**, подстанция – **59,0 млн долл.**).

Хозир кундада магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялаш бўйича Хукумат қарори ишлаб чиқилган ва мутасадди вазирликлар билан келишилмоқда.

2. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ бошқаруви органлари акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарув аппарати таркибидан иборат.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг барча оддий акциялари Ягона акциядорга - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмасдан Ягона акциядор томонидан қарорлар қабул қилинади.

Ушбу Қонунда ва жамият уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар Ягона акциядор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади ва ёзма равища ижро этилади.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ Кузатув кенгаши 7 кишидан иборат бўлиб, уларнинг номзодлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижро этувчи орган - Жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув аппарати 5 аъзодан иборат, шу жумладан, бошқарув раиси ва беш нафар бошқарув раиси ўринбосарлари. Бошқарув аппарати “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг қарорига биноан лавозимга тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг устав капитали **5 202 311 110 300** (беш триллион икки юз икки миллиард уч юз ўн бир миллион бир юз ўн минг уч юз) сўмни ташкил қиласди. У ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган **52 023 111 103** дона оддий акциялардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6096-сонли Фармонига мувофиқ “Ўзбекистон МЭТ” АЖни ташкил этиш жараёнида чиқарилган акциялар ҳамда устав капиталига қўшилган активлар ҳисобига қўшимча чиқарилган акциялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакили бўлган давлатга тегишли.



2.1. ЖАМИЯТНИНГ АКТИВЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР

(млн.сўм)

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитали (баланс қиймати)	Фаолият йўналиши	2021 йилда олинган даромад (дивиденд)
1. Тизимдаги корхоналар					
1	“Ўзэнергоинжиниринг” АЖ	87,47	30 075,7	Лойиҳалаш ва тадқиқот институти	
2	“Савдоэнерго” АЖ	68,87	103 993,4	Трикотаж фабрикаси	
3	“Energomaxsusavto” МЧЖ	100	10 370,5	Автотранспорт хизмати	
4	“Gridcon” МЧЖ	100	111,6	Қурилиш-монтаж ишлари	
5	"Elektro Kommunal Qurilish" МЧЖ	100	144,0	Қурилиш ва пардозлаш ишлари	
2. Носоҳавий активлар					
6	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АҚБ	0,025	1 106,7	Банк хизматлари	

2.2. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ

№	ФИШ	Лавозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулқдор)			
1	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги		Йирик акциядор- 100% (52 023 111 103 дана оддий акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
2	Сайдова Галина Каримовна	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари (Кузатув кенгаши раиси 2021 йилдан)	
3	Ходжаев Шерзод Хикматулаевич	Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг ўринбосари (2019 йилдан)	-
4	Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич	Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари (2021 йилдан)	-
5	Хаджиханов Борий Абирханович	Вазирлар Маҳкамаси шўъба мудири (2021 йилдан)	-
6	Насиров Қаҳрамонжон Жумабоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг маслаҳатчиси (2022 йилдан)	-



7	Кариеев Баходир Давранжанович	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи (2021 йилдан)	-
---	-------------------------------------	---	---

III. Ижроия органи

1	Исақулов Дадажон Айнакулович	Бошқарув раиси (2019 йилдан)	-
2	Назиров Абдумалик Абдусалимович	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари (2022 йилдан)	-
3	Артиков Собир Садуллаевич	Бошқарув раисининг стратегик ривожлантириш, трансформация, саноатда кооперация алоқаларни кенгайтириш, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари (2019 йилдан)	-
4	Қурбонов Феруз Мустафоевич	Бошқарув раисининг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари (2020 йилдан)	-
5	Вакант	Бошқарув раисининг иқтисодиёт ва тижорат масалалари бўйича ўринбосари	-

3. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича 2022 йилда ҳам қатор қонунчилик хужжатлари қабул килинди. Жумладан, 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик мухитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида” ПФ-101-сонли президент фармони, 2022 йил 3 февралдаги Жаҳон банки иштирокида “Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш” лойиҳасини амалга ошириш ҳамда республика магистрал электр тармоқлари тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-113-сонли президент қарори, 2022 йил 29 апрелдаги “Республика электр энергетика тармоғи корхоналарини трансформация қилиш, уларнинг операцион бошқарув тизимида етакчи мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш, шунингдек, бошқарув тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 210-Ғ-сон Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қонунчилик талаблари ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш ва 2023 йилда ҳам “Ўзбекистон МЭТ” АЖда трансформация жараёнларини давом эттириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Жумладан:

- “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2023 йил якунига қадар халқаро кредит рейтинги қўлга киритилиши, молиявий интизомга қатъий риоя этган ҳолда мустақил равишда халқаро банклар ва капитал бозоридан маблағ жалб этишга эришилишини таъминлаш;

- Республика магистрал электр тармоқлари тизимини ривожлантириш, унинг ишончлилиги ва хавфсизлигини ошириш, тизимли аварияларнинг олдини олиш, шунингдек,



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини электр энергияси билан барқарор таъминлаш мақсадида Жаҳон банки маблағлари асосида “Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплексини (SCADA) жорий қилиш (2021-2024 йй.)”, “Жаҳон банки иштирокида магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш (II-фаза 2022-2025 йй.)”, “Янги 500 кВ кучланишли “Ҳалқа” нимстанцияси ва 220, 500 кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш” (2021-2023 йй.) ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ресурсларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини (ERP) жорий этиш” (2021-2024 йй.) лойиҳаларини белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш;

• Республика электр энергетика тармоғи корхоналарини трансформация қилиш, уларнинг операцион бошқарув тизимига етакчи мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш ва операцион самарадорликни ошириш бўйича **McKinsey&Company ҳалқаро консалтинг компанияси** томонидан ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошириш. Бунда,

- Инвестиция лойиҳаларининг қийматини қисқартириш (Подстанциялар ва ҳаво тармоқларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни уларнинг ёши, ўрта ва юқори юкламаларини таҳлили асосида, шунингдек истиқболдаги ривожланишидан келиб чиқиб инвестиция дастурига киритиш ҳамда лойиҳаларнинг фойдалилик кўрсаткичлари (IRR)га эътибор қаратиш);
- Инвестиция лойиҳаларининг нархини қисқартириш (Лойиҳалар қийматини қисқартиришнинг design-to-value услубидан фойдаланиб лойиҳаларни таққослаш ва ускуналарга бўлган талабларни енгиллаштириш мақсадида ягона нархлар тизимини шакллантириш);
- Инвестиция лойиҳаларнининг муддатини қисқартириш (Last Planner ва Control Tower усулларидан фойдаланган ҳолда лойиҳаларнинг ҳар бир босқичини текшириш ва назорат қилиш);
- Тариф шакллантириш усулини такомиллаштириш (Босқичма-босқич, жамиятнинг инвестицион харажатларини қоплашни назарда тутувчи тариф шакллантиришнинг RAB моделига ўтиш);
- Янги даромад манбаларини аниқлаш (Мавжуд алоқа тармоқларини ва SCADA лойиҳаси доирасида истиқболда қурилиши режалаштирилган алоқа тармоқларини телеком операторларига ижарага бериш);
- Операцион харажатларни камайтириш (Электр энергиясини узатишдаги йўқотишларни камайтириш мақсадида тармоқ ва подстанцияларни модернизация қилиш, автоматлаштирилган қўриқлаш хизматларини жорий қилиш ҳамда жамият филиаллари ва шўъба корхоналари фаолиятини қайта кўриб чиқиши).

• Жамият харажатларини қисқартириш ва фаолият бўйича қўшимча даромад манбаларини топиш устида ҳар бир ташкилий тузилма кесимида ишлар олиб бориш;

• Жамиятнинг ҳаридлар бўйича трансформация оғисини тубдан ислоҳ қилиш, йиллик ҳаридлар режасини шакллантириш, ягона нархлар базасини шакллантириш, ҳаридлар ва шартномалар ҳисобини юритиш, ҳаридларни амалга ошириш, ҳисбот шаклларини яратиш ва бошқалар;

• Жамиятнинг 2022 йил молиявий ҳисботларини “Ernst & Young” LLC аудиторлик ташкилоти томонидан ҳалқаро стандарт талабларига мувофиқ тўлиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш ва ижобий ҳулоса олиш;

• “Магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси

манбалари билан интеграциялаш”нинг узоқ муддатли (10 йиллик) дастурини ишлаб чиқиш жараёнларини тўлиқ якунлаш (Испаниянинг MRC S.L. компанияси). Пировардида 2030 йилга қадар кўзда тутилган лойиҳалар доирасида ҳаво электр узатиш тармоқлари ва подстанцияларини қуриш, қайта тикланувчи энергия манбаларини тизимга улаш, тифиз соатлардаги истеъмолни қоплаш учун энергия сақловчи қурилмаларни ишга тушуриш ва истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз ва сифатли таъминлашга қаратилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўриш;

- Энергетика вазирлиги бошчилигида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан “Ёқилғи энергетика комплексини ягона рақамлаштириш концепцияси”ни яратиш юзасидан Россия Федерациясининг “ИКС Холдинг” компанияси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларни якунлаш ва халқаро тажрибадан келиб чиқсан ҳолда иш жараёнларимизни автоматлаштиришда яна нималарга аҳамият қаратишимииз лозимлигини аниқ белгилаб олиш;

- Жамиятда халқаро ISO 50001 стандартига мувофиқ энерго менежмент тизимини ва ISO 45001 стандарти бўйича меҳнат хавфсизлиги ва саноат хавфсизлигини бошқариш тизимини тадбиқ этиш ишларини ташкил этиш;

- Илғор хорижий тажриба, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида барча тармоқлар ва соҳаларга инновация фаолиятини самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш;

- Кадрлар сиёсати бўйича Жамият ходимлари малакасини мунтазам ошириб бориш. 2023 йилда ҳам 1300 дан ортиқ ходимларни мамлакатимизда, 100 дан ортиқ ходимларни эса хорижда малака оширишларини таъминлаш ва 50 дан ортиқ ходимларни олий таълим муассасаларида ўқитиши.

- Жамият ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги кўрсаткичлар (КРІ) тизимини ҳамда мазкур кўрсаткичлардан келиб чиқсан ҳолда, ходимларни моддий рағбатлантириш, хизматда лавозимини ошириш, мукофотлаш, интизомий чоралар қўллаш тизимларини жорий этиш ва бошқалар.

4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЬМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИНинг РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил учун электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги фармойиши лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 январдаги Ф-5422-сонли фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ электр энергиясини ишлаб чиқаришда янада барқарор ўсишга эришиш, энергия ресурсларининг мутаносиблигини ошириш, шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондирилишини таъминлаш, республика иқтисодиёти соҳалари ва тармоқларини барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бунда, 2023 йил учун:

I. Ишлаб чиқариши

Электр энергиясини ишлаб чиқариш республика бўйича **84 653,5 млн.кВт*соат**



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2023 йил учун бизнес-режаси ёки 2022 йил кўрсаткичларига нисбатан **8 019,8 млн.кВт*соатга (110,5 фоиз)** кўп режалаштирилмоқда. Жумладан:

Иссиқлик электр станциялари ва марказларида **73 932,6 млн.кВт*соат** электр энергияси ишлаб чиқарилиши прогноз қилинмоқда. Бу Давлат хусусий шерикчилиги асосида қурилаётган иссиқлик электр станциялари ва куёш, шамол электр станцияларида янги қувватларни ишга туширилиши ҳисобига 2022 йилдаги кўрсаткичдан **4 686,2 млн.кВт*соатга (106,8 фоиз)** кўпdir.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг гидроэлектр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш миқдори, ўрта ва узок йиллик гидроманбаларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда **5 900,4 млн.кВтсоат** режалаштирилиб, бу 2022 йилга нисбатан **195,4 млн.кВт*соат ёки 96,8 фоизга** камди.

Иссиқлик электр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш табиий газ, мазут ва кўмир билан таъминланганлик ҳамда энергия қурилмаларининг техник ҳолати, шунингдек, ёқилғи сарфини камайтириш прогноз кўрсаткичлари ҳисобига амалга оширилади.

Республика ташкилотларининг блокстанциялари томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш **1 153,2 млн.кВт*соатни** ташкил этади. Шундан “Олмалиқ КМК” АЖда **200,0 млн.кВт*соат**, “Uz-Kor Gas Chemical” МЧЖ қўшма корхонасида **403,2 млн.кВт*соат** ва “Uzbekistan GTL” МЧЖда **550,0 млн.кВт*соатни** ташкил қиласди.

Қўшни республикалардан импорт қилинадиган электр энергияси миқдори **5 350,0 млн.кВт*соатни** ташкил этади.

